Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 271 (6. 162) ◉ 1986 йил 26 ноябрь, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНА КЎЗГУСИ

Давлат қабули: сифат кафолати

ҲАР СОАТ, ҲАР МИНУТ ҒАНИМАТ

Давлат қабули жорий этилишига 36 кун қолди

Партиянинг ишлаб чиқариш маданиятини оширишга қаратилган катта тадбири — маҳсулотнинг давлат қабули тез, аниқ ва сира кечиктирмай ҳаётга жорий этилиши лозим. Яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган ва М. С. Горбачев нутқ сўзлаган кенгашда масала шу тарзда қўйилди. 25 ноябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда республика саноатининг давлат қабули шароитида ишлашга қандай тайёргарлик кўраётганлиги кўриб чиқилди.

Кенгашда область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, марказий республика органлари, министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар, давлат қабули хизмати ва СССР Стандартлар давлат комитети территориал органлари ходимлари, журналистлар иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи билан очди.

СССР Стандартлар давлат комитети раисининг ўринбосари И. И. Исаев ахборот берди.

Кенгашда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери И. П. Великий, Чирчиқ «Трансформатор» бирлашмасининг бош директори Р. К. Саримсоқов, Ўзбекистон ССР мебель саноати министри Ғ. Х. Қурбонов, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги давлат қабули хизматининг раҳбари М. Х. Обидова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анищчев ҳам сўзга чиқдилар.

Нутқларда, бўлиб ўтган фикрлашувлар чоғида Ўзбекистон корхоналарини маҳсулотнинг давлат қабули шароитида ишлашга тайёрлаш қониқарсиз бораётганлиги таъкидланди.

СССР Стандартлар давлат комитетининг тегишли вакилатга эга бўлган вакиллари биринчи январдан бошлаб Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг салкам 13 процентини бераётган 33 та йирик корхона ва бирлашмаларда тайёрланган барча маҳсулотни текшира бошлайдилар. Давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига тўла мос келадиган буюмларнигина ишлаб чиқарилишига рухсат этилади. Пахтачилик учун барча машиналар, электр двигателлари ва электр аппаратлари, электрон техника, кабель, минерал ўғитлар, пахта тозалаш машина-ускуналари, мебель, кийим-кечак ва маҳсулотларнинг бошқа бир қанча турлари ана шундай контролга олинади. Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим корхоналар маҳсулотининг бир қисми давлат қабул қилувчиларига тақдим этилмоқда. Ҳамма жойда ўхшаш камчиликлар «юзага чиқмоқда»: технологиянинг бузилаётганлиги, стандартлардан чекиниш, ишчилар ва инженер-техник ходимлар малакасининг пастлиги, завод техника контроли бўлими хизматининг келишувчанлиги ана шундай камчиликлардир.

Бу камчиликларнинг сабаби — маҳсулот сифатига қўйилаётган янги талабларни тушунмаслик, ишлаб чиқариш командирлари психологияси секин қайта қурилаётгани, «бир гап бўлар, ўтиб кетар» деб умид қилишдир. Ҳатто давлат қабулига узоқ ва кўп тайёргарлик кўрган Тошкент трактор заводида ҳам ҳозир ҳар бешта машинадан биттасини пухталаштириш учун қайтаришга тўғри келмоқда. «Таштекстильмаш», «Ўзбекхлопкомаш», Андижон электродвигатель корхоналарида, Тошкент электротехника заводида ва бошқа бир қанча корхоналарда текширилган маҳсулотнинг ҳаммаси юз процент бракка чиқарилди.

Ҳолбуки, сифатни яхшилаш проблемалари Ўзбекистон учун айниқса муҳимдир. Республикада мамлакатимиздаги ўртача миқдордан кўра кўпроқ маҳсулот брак қилинмоқда, кўпгина буюмлар йиллар давомида такомиллаштирилмаган, эскирган технология бўйича, кўп қўл меҳнати сарфлаб ишлаб чиқарилмоқда. Партия комитетлари, бутун бир тармоқларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш маданиятининг пастлигига кўникиб қолганлар, буюмлар ҳамда халқ учун ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини ошириш йўлида кескин чораларни кўрмаётирлар.

Давлат қабули сифат учун курашнинг қудратли тезлатгичи бўлиб қолиши, ишчидан тортиб директоргача — ҳар қандай даражадаги бракчилар ва технологияни бузувчиларга йўл қолдирмаслиги керак. Кенгашда таъкидлаб ўтилдики, ҳозирги вақтда энг муҳими давлат стандартларидан чекинишларга олиб бориши мумкин бўлган технология жараёнининг бузилишларини очиб ташлаш, уларни ҳисобга олиш ва қолган 36 кун ичида битта ҳам қолдирмай тугатишдан иборат.

Техник ҳужжатларни тартибга солиш, иш жойларини аттестациядан ўтказишни тугаллаш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларини ўлчов асбоблари билан таъминлаш, хом ашё ҳамда комплектлаш узелларини етказиб берувчиларга нисбатан талабчанликни ошириш, техника контроли бўлимлари ишини тубдан яхшилаш энг муҳим вазифалардандир.

Янги хизмат — давлат қабули дастлабки кунданоқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан мустаҳкам алоқада иш олиб бориши лозим, уни энг яхши мутахассислар, коммунистлар, ҳалол, принципиал, камчиликларни шунчаки аниқлабгина қолмай, балки уларни бартараф этишда амалий ёрдам беришга қодир бўлган кишилар билан комплектлаш керак. Ҳозирги вақтда эса янги корхоналарда давлат қабули штатидаги одамларнинг ярми ҳам йўқ.

Лекин энг муҳими — буни ҳам янгича ишлашнинг дастлабки тажрибаси исботлади — бригадаларда, цехларда, участкаларда, цех ва бошланғич партия ташкилотларида кенг тушунтириш ишлари ва тарбиявий ишларни дарҳол, бир соат ҳам кечиктирмай авж олдириб юборишдан иборат. Барча партия комитетлари, касаба союзлари ва комсомолнинг, оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим бурчи ҳозир ана шундан иборат.

Ҳар бир меҳнатчи беш йиллик план тақдирида давлат қабулининг моҳияти ва ролини, маҳсулот сифатини оширишнинг совет жамияти учун аҳамиятини билиши керак. Сифатсиз маҳсулот тайёрлашга йўл қўйиладиган вақт ўтиб кетганлигини ва у қайтиб келмаслигини ҳар бир киши билиши лозим. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга қайтилмаслиги учун, меҳнат коллективлари зарар кўрмаслиги учун, завод ва фабрикаларнинг социал программалари тўла-тўкис амалга оширилиши учун фақат битта йўл бор: у ҳам бўлса яхши ишлаш, технологияга, давлат стандарти талабларига қатъий мувофиқ равишда ишлашдир.

Кенгашда ишлаб чиқариш маданиятини ошириш учун ўзлари қатъий чоралар кўриш ўрнига юқори ташкилотларнинг ёрдам беришига ҳамон умид қилаётган раҳбарлар танқид қилинди. Область, шаҳар, район партия комитетларига конкрет топшириқлар берилди — улар давлат қабули органлари комплектланишини, кўзда тутилган корхоналарнинг ҳаммасида давлат қабулига тайёргарликнинг боришини контрол остига олишлари лозим. Вақт оз қолмоқда. Бу муҳим иш учун жавобгар бўлган барча шахслар ва ҳамма хизматларнинг оператив, ўзаро келишиб сарфлаган куч-ғайратларигина давлат қабули ходимлари 1 январда Ўзбекистоннинг йирик корхоналари маркаси билан чиқарилаётган маҳсулот ҳозирги талабларга юз процент мос эканлигига гувоҳлик бериш учун тайёргарлик ишларини белгиланган муддатда тугаллашга имкон беради.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Ҳ. Алимова, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси И. А. Каримов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Фан — ишлаб чиқаришга

Чидамли бетон

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллар институтининг олимлари бетоннинг чидамлилигини анча оширишга муваффақ бўлдилар. Бунинг учун улар бетон қоришмаси тайёрлашда сувда эрийдиган полимерлар, яъни пластификатордан фойдаланмоқдалар.

Бундай бетоннинг мустаҳкамлиги ҳозиргидагига нисбатан 20—40 процент ортади, бундай бетон саратонга ҳам, қаҳратон совуққа ҳам бардошлидир. Бунинг устига сувда эрийдиган полимерлар бетоннинг ёпишқоқлиги, чидами ва сув ўтказмаслигини таъминлайди. Пластификатор яна металл арматурани занггдан ҳимоя ҳам қилади.

Янги материалдан саноат ва граждан қурилишида кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Масалан, бу материалдан қувурлар тайёрлаш одатдагига нисбатан икки баравар тез боради. Чунки, пластификаторлар бетоннинг қотишини тезлаштиради. Бунда цемент сарфи 10 — 15 процент камаяди. Волгограддаги босмга чидамли темир-бетон қувурлар заводида ана шундай маҳсулотни тайёрлаш ўзлаштирилди.

«Жиззакстепстрой» трестининг гидроқурувчилари насос станциялар бунёд этишда ана шу янгиликни жорий этиб, ишларга меҳнат сарфини кескин камайтирдилар, гидротехника иншоотлари пухталигини оширдилар. Қўрилган иқтисодий самара 200 минг сўмга етди.

Институт олимлари қурилиш билан бир қаторда бошқа тармоқларда ҳам пластификаторларнинг кенг имкониятларидан фойдаланишда ёрдам бердилар. Тошкентдаги Абразив комбинатида бу препарат ёрдамида деталларга механик ишлов бериш — яъни уларни силлиқлаш ҳамда тешишни такомиллаштирдилар. Совутадиган эмульсия эритмаси ўрнига пластификаторни қўлланиш бу операцияларнинг самарадорлигини оширди.

(ЎзТАГ).

Замондошимиз

Мармар «чашма» устаси

Мармар жилокор тош. Ундан ҳозирги пайтда турли соҳаларда фойдаланилмоқда. Мармар кошинлар билан безатилган бинолар шаҳримизга чирой бахш этса, ана шу жилокор тошдан ясалган гулдонлар ва бошқа рўзғор идишлари ҳонадонимизга кўрк бағишлайди.

Кондан қазиб олинган тош инсон қўлида сайқал топади, ажойиб буюмга айланади. Жумладан «Тошкентмармар» ишлаб чиқариш бирлашмасида жилокорлар мармарга чинакам «жон» бахш этишади. Қўлгул тоштарошлардан бири Сайфулла Ҳамидов сув ичиладиган фонтанчалар тайёрлаш цехининг 2-участкасида қирқувчи бўлиб ишлайди. Ёзнинг жазирама кунларида шундай фонтанчалар кишилар жонига оро киради. Муздек сувдан бир қултум ичган киши мармар «чашма»ни ясаган устага тасаннолар айтади. Бу чин дилдан билдирилган миннатдорчилик С. Ҳамидовга ҳам қаратилгандир.

Сайфулла Совет Армияси сафидаги хизматини адо этиб келгач, тўрт йилдан бери бирлашмада ишлаяпти. Эндиликда уни комсомолёшлар бригадасининг бошлиғи этиб тайинлашган. У жамоат ишларида фаол қатнашади. Чунончи, кўнгилли халқ дружинасининг актив аъзоси.

Оловқалб йигит 1986 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Бўка районидаги «Кремль» совхозида йигирма кун бўлиб, хўжалик пахтакорларига кўмаклашди. Шаҳарлик илғор теримчилар қаторидаги Бўка район партия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Мармар «чашма» устаси, Улуғ Октябрнинг келгуси йили нишонланадиган 70 йиллиги байрамигача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йилик топшириғини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: комсомол аъзоси С. Ҳамидов.

Т. Каримов фотоси.

Тонгги газеталарда

● Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди ва Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонга бораётган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 25 ноябрда Тошкентдан жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. С. Черняев, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Ф. Ахромеев, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Воронцов М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетдилар.

Тошкент аэропортида М. С. Горбачевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анищчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар кузатиб қолдилар.

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев республика Бош министри Р. Ганди ва Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан 25 ноябрь куни расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонга келди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўзининг навбатдаги йиғилишида «Халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитетининг юқори органлар ҳужжатлари ҳамда ўз қарорлари бажарилишини назорат қилиш, ҳужжат алмашинувини қисқартириш борасидаги иш усули ва услуби тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитети КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, юқори органлар ҳужжатлари ва ўз қарорлари бажарилишини назорат қилишни кучайтириш, ҳужжат алмашинувини қисқартириш соҳасида муайян ишларни амалга оширди.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми бўйича районда план 103 процент бажарилди, пландан ташқари 2.927 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани 102 процент бажарилди, пландан ташқари 1.855 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Иш усули ва услубининг такомиллашуви натижасида тўққиз ой якунига кўра умумий ҳужжат алмашув қисқарди. Оммавий-ташкилий ишлар фаоллашди.

Шу билан бир қаторда қайта қуришни ва район социал-иқтисодий ривожланиш планлари бажарилишини фаоллаштиришни таъминламайдиган камчиликлар ва нуқсонлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Бир қатор корхоналар мунтазам равишда ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига, товар маҳсулоти чиқариш бўйича планларнинг бажарилмаслигига йўл қўймоқдалар. 1986 йил ўн ойи якунига кўра, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда реализация плани 98,8 процент, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш — 99,5 процент бажарилди, аҳолига 52,6 минг сўмлик кам хизмат кўрсатилган. Қурилишда капитал маблағларни ўзлаштириш соҳасида анчагина қолоқликлар мавжуд. Турар-жойларни ишга туширишнинг плани бажарилмади. Район ижроия комитети, унинг бўлимлари ва бошқармаларида чинакам ишчанлик услуби қарор топмаганлиги, ижрочилик интизоми савияси ҳамон пастлиги туфайли бу камчиликларга йўл қўйилган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда Чилонзор район Совети ижроия комитети раҳбарларига қабул қилинган қарорлар ижроси учун назоратни етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Иш усули ва услубини мунтазам такомиллаштириб бориш, топширилган иш соҳаси учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, Советлар, уларнинг органлари фаолияти тўғрисида аҳолига мунтазам ахборот бериб бориш, сайловчиларни қабул этишни уюштириш юзасидан бажариладиган ишларни фаоллаштириш, ижроия комитети ва доимий комиссиялар сайёр йиғилишлари ўтказиб туришни кўпроқ тажриба қилиш, ижроия комитети ишини планлаштиришни яхшилаш ва қарорлар тайёрлаш сифатини ошириш, жойларда иш аҳволини ҳар томонлама чуқур ўрганмай туриб қарор қабул қилишга йўл қўймаслик вазифалари топширилди. Районнинг иқтисодий ва социал йиллик планларини ишлаб чиқишда сайловчиларнинг наказларини тўлароқ ина-батга олиш керак.

Бир ой муддатда ижроия комитети аппарати, унинг бўлимлари ва бошқармаларида ижрони назорат қилиш ва текширишни ташкил этишни тубдан яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди. Мазкур қарорнинг ижроси якунлари тўғрисида 1987 йил май ойида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига ахборот бериш зарур.

«Тошкент шаҳар ижроия комитети бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари ва трестларида тўлов интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган қарорда айрим корхона ва ташкилотлар тўлов интизомига қатъий риоя қилишни таъминламаганликлари, ссудалар бўйича Давлат банки билан маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисоб ҳужжатлари ўртасидаги ўзаро муносиблик таъминланмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Госстрой шаҳарсозлик илмий тадқиқот институтида, Госснабнинг Тошкент бошқармасида, Автотранспорт министрлигининг 141- автотранспорт корхонасида, «Тошблнефтпродукти» бошқармасида, «Ўрток» кондитер фабрикасида, «Ташкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмасида. Автотранспорт министрлигининг 2602- автоколоннасида, ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида, капитал ремонт бошқармасида, Савдо бош бошқармасининг «Ташгалантерейторг» ва «Ташкультторг»ида Тошкент Генплани илмий-тадқиқот институтида тўлов интизоми мунтазам равишда бузилиб келмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети район ижроия комитетларига, Бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимлар ва трестларга 1986 йил 1 декабргача бўлган муддатда тўлов бюджети ўз вақтида тўланмаганлигининг сабабларини ва ссудалар бўйича Давлат банкида муддати ўтиб кетган тўловлар қанчалигини синчиклаб ўрганиб чиқишни, молия аҳволини соғломлаштириш, товар-материал бойликлари нормативдан ортиқ запасларини қисқартириш, буюртмачилар ҳамда харидорлар қарздорлигини тугатиш, шунингдек планлаштирилмаган харажат ва зарарларни камайтириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаш вазифасини топширди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети турар-жой бошқармаси раҳбарлиги (ўртоқ Л. А. Трехановга) квартира ва коммунал хизмати ҳақларини ўз вақтида ундириш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва нормативдан ортиқ запасларни камайтириш, ҳисобот-тўлов интизомини яхшилаш учун зарур тадбирларни кўриш топширилди.

Тўлов интизомини мунтазам равишда чўзиб келганликлари учун бир қатор корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари огоҳлантирилди.

Шунингдек, шаҳар хўжалигини ривожлантиришга оид бир қатор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Диққат: янгилик!

«СИЭТЛ» КАФЕСИ

Қуйида сизнинг диққатингизга ҳавола қилинаётган суратларда тасвирланган кафеининг номи «Сиэтл» деб аталади. Тошкент билан биродарлашган Америкадаги Сиэтл шаҳрининг номи яқин кунларда ўз эшикларини очадиган янги кафега берилди.

Фрунзе районидаги 2-ремонт-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари шаҳримиз аҳолисига ана шундай совға ҳозирладилар.

«Сиэтл» кафесининг зали нчам: 24 ўринли. Бу ердаги олтита хоналардан бирида музика оҳанглари остида овқатланиб, дам олиш мумкин. Хоҳловчилар учун рақс тушиладиган алоҳида жой ҳозирланган. Унинг поли ойнавандли бўлиб, остидаги чироқлар музика оҳангига жўр бўлиб ёниб туради.

Янги умумий овқатланиш корхонаси хўрандалари ҳар 1 соату 45 минутда алмашиниб туради. Хўрандаларга ўзбек миллий таоми ажабсанда, қаҳва, коктейль, шарбатлар, гўштли салатлар, мевали нчимликлар тортилади.

Шундай қилиб, шаҳримизда яна бир янги умумий овқатланиш корхонаси ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишга тайёр.

Л. ГЛАУБЕРЗОН.

СУРАТЛАРДА: «Сиэтл» кафесининг ички ва ташқи кўриниши.

Автор фотолари.

„ОҚ ОЛТИН" — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 25 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА	0,01	105,10
ТОШКЕНТ	0,01	104,42
СУРХОНДАРЁ	0,05	101,21
НАМАНҒАН	0,02	100,29
Сирдарё	0,08	97,19
ҚҚАССР	0,09	92,56
Андижон	0,08	87,59
Хоразм	0,05	85,75
Жиззах	0,03	80,34
Самарқанд	0,03	75,52
Бухоро	0,01	74,66
Навоий	0,04	61,11
Қашқадарё	0,03	59,37
Республика бўйича:	0,04	87,28

Китоблар кўргазмаси

БУГУН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида очилган «СССР — Ҳиндистон» китоблар кўргазмасида икки мамлакат халқларининг бузилмас дўстлиги ҳақида ҳикоя қилувчи адабиётлар намойишга қўйилган.

Кўргазмадан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқлари эълон қилинган газета ва журналлар ҳам ўрин олган. Индира Гандининг «Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати» китоби, «Дўстлик ва ҳамкорлик», «Ўзбекистон — Ҳиндистон», «Гангадан Днепргача», «Ҳиндистон учрашувлари» каби кўплаб китоблар эътиборни жалб этади.

О. ҲУСАНОВА.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

Коммунист ўйлари

Ҳар соҳада актив бўлайлик

Партиямиз XXVII съезди олдимизга қўйган иқтисодий ва соцнал ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга бутун мамлакатимиздаги сингари ҳар бир меҳнат коллективи, шу жумладан бизда ҳам қизғин иш олиб бориляпти. Ишлаб чиқариш потенциалидан, ресурслардан унумли фойдаланишга муҳим эътибор бериляпти. Бизнинг цехимизда меҳнат унумдорлигини оширишда, иқтисод ва тежамкорликда, механизм ва ускуналардан самарали фойдаланишда бирмунча ютуқлар қўлга киритилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорида ана шу борадаги вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Уларда қўйилган вазифалар кўп ва мураккаб.

Ўзимизда амалга оширилаётган ишларни ана шу қўйилган вазифалар билан таққослаб, шундай хулосага келиш мумкинки, бу борадаги кўп ишлар ҳали бизни қаноатлантирмайди. Хўш, қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳар бир коммунист, ишчи нима қилиши керак.

Энг аввало менинг фикримча ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида активликни ошириш лозим. Мен ёш коммунист сифатида ўз зиммамга юклатилган барча топшириқларни сидқидилдан бажаришга интиляпман. Ойлик топшириқларни мунтазам ошириб бажаряпман. Биргина мен эмас, Ҳошимжон Наврўзов, Евгений Осипов сингари ишчилар ҳам ўз зиммаларига юклатилган топшириқларни ҳамиша ошириб адо этишяпти. Иқтисод ва тежамкорлик учун курашишяпти. Машина ва ускуналардан самаралн фойдаланишяпти. Янги техниканн ўзлаштиришда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя этишда бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Мен слесарлик касбимга астойдил ихлос қўйиб, бу борада маҳоратимни доим ошириб боришга интиляпман. Ҳамкасбларим ҳам шунга интилишади. Барчанинг ишлаб чиқариш ютуқларини бойитиш учун биргаликда жон қуйдириши натижасида бизнинг тепловоз-йиғув цехимиз ишлаб чиқариш планларини ошириб бажарадиган, бу-юртмаларни ўз вақтида етказиб берадиган бўлиб қолди. Биз йиғиб бераётган тепловозларимизни олаётган буюртмачилар биздан мамнун бўлмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида коммунистлар ва комсомолларни олдинги сафда боришга давъат қилинган. Бу жуда ўринли даъватдир. Мен ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш билангина кифояланмай, балки жамоат ишларида ҳам фаол қатнашишга интиляпман. Цех комсомол ташкилотига етакчилик қилар эдим. Ҳозир эса бирлашма комсомол комитетининг аъзосиман. Бу жамоат топшириғини ҳам сидқидилдан бажаришга, комсомол-ёшлар ўртасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга интиляпман. Биз ёшлар ўртасида мусобақани оқилона ташкил этишга, уни ривожлантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Ишимизда кўпроқ ошкораликка, ҳар бир кишининг ўз қобилиятини тўла намоён этишига ҳамда ёшларни ғоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялашга эътиборни қаратяпмиз. Бунинг учун энг аввало социалистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай оғишларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга, ҳар бир —хоҳ у кекса, хоҳ ёш ишчи бўлсин топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис этишига ва бошқа омилларга аҳамият берямиз.

Бизда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида комсомол-ёшлар олдига конкрет вазифалар қўйдик. Бу асосан ҳар бир кишининг ташаббуси ва ижодкорлигини кучайтиришга қаратилган. Шундай қилганимиздагина биз салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин. Корхона ва цех бўйича мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга муҳим аҳамият бериляпти. Айниқса маънавий омилнинг роли оширилмоқда. Мусобақада эришилаётган ҳар бир ютуқни ўз вақтида илғаш, илғор тажриба тўғрисида барча мусобақадошларга оператив ахборотни етказишнинг давъат этади. Шу кунларда бизнинг мақсадимиз ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йилида салмоқли ютуқларга эришишга, барча ишчи имкониятларни ишга солишга қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда хоҳ коммунист, хоҳ у комсомол аъзоси бўлсин — ҳар соҳада активлик кўрсатиши, ўз коллективига ҳар жиҳатдан намуна бўлиши лозим. Ҳар биримиз ана шунга интилганимиздагина съезд қўйган вазифаларни муваффақиятли адо этамиз.

О. РЎЗИЕВ,

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи тепловоз-йиғув цехининг коммунистик меҳнат зарбдори.

Биз—интернационалистлармиз



КУРСДОШЛАР

Улар — бир вақтда, бир олий ўқув юрти, бир курс ва бир шаҳардан ҳарбий хизматга чақирилишган. Икки йил мобайнида улар бир умумий вазифани бажаришди— афғон халқига Савр инқилобини ҳимоя этишда ёрдам бердилар.

Улар — В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультети студентлари, истеъфодаги интернационалист-жангчилар Рустам Ёқубжонов, Алишер Қурмонов, Абдураҳим Соқиев, Ҳабибулло Алиев, Саидкомил Саидназирхонов, Ҳаҳонгир Туляшев, Рустам Усмонов, Заглул Баротов, Абдурауф Абдураҳимов, Мираббос Юнусов, Артур Колупаев, Камолиддин Нурмуҳамедовдир.

Улар ҳозир айни ғайратшижоатлари барқ урган 21 ёшдалар. Мактаб, жанговар хизмат, дорилфунуннинг икки курси ортда қолди. Ўқишни давом эттириш... бутун ҳаёт ҳали олдинда. Улар бугун ҳаётга озми-кўпми қийинчиликларни енгган, ўз зиммаларига тушган вазифани шараф билан адо этган эр кишилар сифатида теран нигоҳ ташламоқдалар. Уларнинг тафаккури шакланишига ҳарбий хизмат сезиларли таъсир кўрсатди. Афғонистондаги чекланган миқдордаги совет қўшинлари сафидаги ҳарбий хизмат интернационал тарбия, жасорат мактаби бўлди.

Курсдошлар билан суҳбат ана шу ҳақда, шунингдек баъзи бир маънавий фазилатлар, чинакам ҳарбий мактабни ўтаган йигитларнинг дунёқарашидаги ўзгаришлар, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳусусида бўлди.

Ўзаро ишонч ва самимий суҳбат пайтида йигитлар тимсолида замондошимизнинг коллектив қиёфаси гавдаланди. Шундай қилиб, хизмат пайтидаги қайси воқеа йигитларнинг хотирасида унутилмас из қолдирган экан?

К. Нурмуҳамедов, истеъфодаги кичик сержант: Афғонистонлик болалар биз совет жангчиларига атаб намойиш этган ўзига хос концертни сира ҳам ёдимдан чиқармайман. Улар куй, қўшиқларни ҳеч қандай тайёргарликсиз ижро этишди. Куйлаб, рақсга тушишганда қалбимда ажиб илиқлик ва қувонч пайдо бўлди. Ҳануз болаларнинг қўшиқлари қулоғим остида янграйди, уларнинг ишонч балқиган шодон чеҳралари, самимий қувонч ва кулгилари ҳамон кўз олдимда турибди. Ўша лаҳзада севимли диёримиз, бизнинг бахтиёр совет болалари ёдимга тушган эди.

А. Қурмонов, истеъфодаги сержант: Биринчи жанговар топшириқ олган кунимиз ёдимда қолган. Ўшанда мен ўзимни илк бор ҳақиқий жангчи-интернационал и с т эканлигимни ҳис этгандим.

А. Соқиев, истеъфодаги оддий солдат: Афғонистон халқ армияси жангчилари билан биргаликда душман галасини бошлиғи билан қўлга олган кунимиз асло ёдимдан чиқмайди. Уларнинг қурол-аслаҳалари, ўқ-дорилари жуда кўп эди. Бу ажал уруғларини энди аҳолига қарши қўлланмаслигидан беҳад севинган эдик...

Ҳ. Алиев, истеъфодаги кичик сержант: Бу воқеа ўтган йилнинг баҳорида Баграм қишлоғида бўлган эди. Биз афғон мактаб ўқувчиларига дафтар-ручка, харита, глобус олиб келгандик. Бундан болалар, уларнинг ота-оналари қанчалик шодланганлари ҳозиргидек эсимда. Улар бизга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиришганди... Ўша кундаги одамларнинг қувончи барқарор бўлиши учун ҳам барча қийинчилик ва машақатларни мардонавор енгиш даркор деб ўйлайман.

А. Колупаев, истеъфодаги оддий солдат: Барча қийинчиликларни биргаликда бошдан кечирган, бир кўрпа ёпиниб, бир котелокдан овқатланиб юрган кишингни йўқотишдек даҳшатли мусибат бўлмаса керак... Санъат қурбонсиз бўлмайди, дейишади. Шундай экан Ер курраси хавфсизлиги ва тинчликни сақлаб қолиш эса...

Р. Ёқубжонов, истеъфодаги кичик сержант: КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган куним мен учун унутилмасдир. Яна жанговар мукофотни топшириш онлари. Буларнинг ҳаммаси хизмат пайтимда бўлган...

Ж. Туляшев, истеъфодаги оддий солдат: Паншер дараси орқали муҳим юк ортилган колоннани кузатиб борган кунимиз сира ҳам эсимдан чиқмайди. Кузатув пайтида қисқа ҳаётим кўз ўнгимдан бирма-бир ўтган эди. Ким шундай вазиятга тушган бўлса мени тушунади, албатта. Бундай вазиятларда зўр матонат ва бардош талаб этилади. Ана шундай жиддий синовдан ўтганимдан мамнунман....

Р. Усмонов, истеъфодаги оддий солдат: курсдошларим билан Кобулда рўй берган тасодифий учрашув хотирамга ўрнашиб қолган. Мираббос Юнусов, Камолиддин Нурмуҳамедов ва Дурбек Далимовлар билан дийдор кўришгач, бамисоли қадрдон Тошкентимизда қисқа муддатли отпускада бўлгандек ҳис қилгандим ўзимни...

З. Баротов, истеъфодаги оддий солдат: навбатдаги агитрейдлардан бирида тўқ-қиз фарзанднинг онаси — афғон аёли билан учрашиб қолдик. Етти нафарини халқ армиясига кузатибди. Икки ўғли мардларча ҳалок бўлибди. Бу мусибат қанчалик оғир бўлишига қарамай аёлнинг қатъият билан «Агар революциямизни ҳимоя этиш учун лозим бўлса, мен ҳам қўлимга қурол оламан...» деган сўзлари мени лол этганди. У аёл 65 ёшда эди...

Курсдошлар ёдга олишган бу воқеалар гарчанд муфассал бўлмасада, бироқ улар интернационалист-жан г ч илар ҳақидаги ҳикоя ва лавҳаларга сюжет бўлиши мумкин. «Тўғри, бу ерда бироз «етишмовчилик» ҳам бор. Чунончи, учрашув қатнашчиларидан бирор киши ҳам ҳарбий хизмат пайтида бошдан кечиришга тўғри келган қийинчиликларни тилга олмади. Бинобарин Афғонистон ғанимлари ҳамон мамлакатга «эълон қилинмаган ўруш»ни давом эттирмоқда. Бу кураш хатарли ва қурбонсиз бўлмаётгани сир эмас.

Курсдошлар ана шундай машаққатли синовдан ўтишган, бир неча марта ўлим билан юзма-юз олишишган. Бироқ улардан ҳеч бири даралардан ҳиёнаткорона ҳужум қилган ёвуз ниятли душманларга қарши беаёв жангларда қийналдим деб айтмади.

Уларнинг кўксига ярашиб турган жанговар орден ва медаллар шунчаки берилган эмас. Алишер Қурмоновнинг кўксини Қизил Юлдуз ордени безаб турибди. Душманларга қарши жангда кўрсатган жасурлиги ва матонати ифодаси. Тенгсиз олишувда Алишер жароҳатланиб, ҳушидан кетди. Ўзига келгач яна душманга қарата ўт очди... Ёрдам ўз вақтида етиб келганда, бу жангни қандай тугаши номаълум эди.

Оғир дамларда ўртоқларига ёрдамга келганлар сафида ўзининг довюраклиги ва мардлиги учун «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган оддий солдат Абдураҳим Соқиев ҳам бўлган албатта.

Интернационал бурчини адо этган коммунистлар — кичик сержантлар Х. Шокиров ва Р. Ёқубжонов, комсомол аъзоси оддий солдат Ж. Туляшев ва бошқалар «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланганлар. Ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар улардан ҳеч бири кўксида жанговар орден ёки медаль порлаши ёки шавкатли хизмати учун бир неча бор командирларнинг раҳматномасига сазовор бўлишни, ота-она ва қариндош-уруғларни севинтирувчи, болаларда эса ҳавас уйғотувчи чинакам ҳаҳрамон сифатида уйларига қайтишни хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар керак.

Ҳозир ҳам улар тез-тез учрашиб туришади. Суҳбат чоғида Афғонистонда ҳарбий хизматни бажариш пайтидаги ҳаяжонли лавҳалар, жанговар дўстларини ҳамиша ёдга оладилар. Улар ҳозир ўқишни муваффақиятли давом эттиришмоқда. Кўп ўтмай етук мутахассис бўлишади.

А. ЕТМИШБОЕВ.

СУРАТДА: АДРда ҳарбий хизматни ўтаган В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети студентлари (чапдан ўнгга) — С. Назирхонов, Х. Шокиров, Р. Ёқубжонов, А. Соқиев ва А. Қурмонов.

Т. Каримов фотоси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. Ўтган кунлар мобайнида Исроил артиллерияси Жанубий Ливандаги «хавфсизлик зона»-си деб аталмиш зонадан сал нарида жойлашган бир қанча аҳоли пунктларини қаттиқ тўпга тутди. Кфар Румман, Ҳаббуш, Жбаа, Айн-Бусуар, Жаржуа қишлоқлари босқинчиларнинг ўқ ёмғири остида қолди. Кўпгина уйлар шикастланди ва вайрон бўлди. Агрессор самолётлари Ливан территорияси устида учиб юрди. Самолётлар қоқ Байрут устига келганда товуш барьеридан ҳам тезлаб уча бошлади (бунда ғоят қаттиқ қарсиллаш эшитилади).

Ливан ватанпарварлари қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»нинг позицияларига муваффақиятли ҳужум қилдилар. Улар Жабал-Сафи шаҳарчасида Исроилнинг ёлланган аскарларига қарши жангга киришиб, сотқинлардан бир неча кишини сафдан чиқардилар. Исроилликлар ва уларнинг гумашталари ҳам Жабал-Газалан тепалиги яқинида талофотлар бердилар.

Фаластинликларнинг Тир ва Сайдадаги, шунингдек Байрутнинг жанубий шаҳри атрофидаги лагерлари жойлашган районларда вазият ҳамон кескин бўлиб турибди. Шиалар «Амал» ҳаракатининг отрядлари билан фаластинликлар ўртасидаги аёвсиз тўқнашувлар натижасида ўлдирилган ва ярадорлар бор.

ИРОҚ—ЭРОН ФРОНТИДА

БАҒДОД. Ироқ расмий ҳарбий вакилининг хабар қилишича, Эрон қўшинлари Бағдодга ракета зарбаси урганлар. Ракета шаҳарнинг уйжой районига тушган. Тинч аҳолидан 28 киши ярадор бўлган, бир неча уйга шикаст етган.

Сўнгги кунлар ичида, дейилади хабарда, душманнинг узоққа отувчи артиллерияси Басра шаҳрининг уй-жой кварталларини қаттиқ ўққа тутди. Натижада тинч аҳолидан 10 киши ҳалок бўлди, 15 киши жароҳатланди, 14 уй, мактаб ва касалхона шикастланди. Ўққа тутилган Ал-Азаир шаҳрида ҳам иккита уй-жой вайрон бўлди.

Бош ҳарбий қўмондонликнинг хабар қилишича, Эрон қўшинлари Ироқнинг Форс кўрфазида, соҳилдан тахминан 30 километр масофада жойлашган «Ал-Амик» нефть платформасига ҳужум қилишга урониб кўрдилар. Душманнинг платформани ишғол этишга уриниши барбод бўлди, Эроннинг бир неча катери чўктириб юборилди. Эрон қўшинларига талофот етказилди.

Бутун фронт чизиғи бўйлаб маҳаллий аҳамиятга молик жанглар давом этди. Марказий участкада Эроннинг Ф-4 самолёти уриб туширилди.

НИКОСИЯ. Бағдодга «Ер-ер» классидаги ракета отилди, деб хабар қилди Эроннинг ИРНА агентлиги. Бу ҳужум, дейилади хабарда, «Ироқ авиациясининг Аҳваз шаҳри граждан объектларини бомбардимон қилганига жавобан» амалга оширилди.

Эрон ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи-бомбардимончи самолётлари Ироқнинг Бағдод шаҳридан шимоли-шарқидаги Саадия аҳоли пунктига ҳужум қилди. Улар ана шу шаҳардаги бир қанча ҳарбий ва иқтисодий объектларни яксон қилиб, ҳаммаси базага қайтиб келди, деб хабар қилади ИРНА агентлиги.

Эроннинг ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари душман авиациясининг фронт шимоли-ғарбий участкасида мамлакат ҳаво чегараларидан ўтишга уринишларини барбод қилди. Ҳаж-Омран ва Сердешт ҳарбий ҳаракатлар районларида Ироқ қўшинларига жиддий талофот етказилди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ТУНИС. Совет Иттифоқи билан Тунис ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик ўзаро манфаатларга, амалий муносабатларни ҳамда дўстликни ривожлантиришга асосланади, деди ТАСС мухбирига Тунис-нинг «Сотримекс» миллий фирмаси президенти Рафик Каффал. Бу компания «Экспортлес» совет ташқи савдо бирлашмасининг Тунисдаги доимий шеригидир.

Совет ёғоч-тахта материалларига маҳаллий бозорда талаб жуда катта, улардан миллий экономиканинг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. СССР ана шу араб мамлакатига машиналар ва ускуналар, қишлоқ хўжалик техникаси, аммиак, ойна ва бошқа материалларни етказиб бериб эвазига зайтун мойи, пўкак пўстлоқ ҳамда анъанавий Тунис экспортининг бошқа товарларини олмоқда. Совет—Тунис товар оборот ҳажми ортиб бораётир.

● АНҚАРА. Шарқий Анатолиянинг кўпгина вилоятларида етти минг кишига атиги бир врач тўғри келади. Турли юқумли касалликлар манбаи ҳисобланган ана шу районларда медицина ходимларининггина эмас, шифохоналар ва профилактика муассасаларининг ҳам етишмаслиги сезилмоқда. «Гюнайдин» газетасида эълон қилинган маълумотларга қараганда Арзурум, Карс, Агра, Бингель, Муш, Эрзинжон, Ван ҳамда Тунжели вилоятларидаги деярли юзта медицина пунктида на медицина ҳамшираси, на врач бор, умуман салкам минг нафар врач етишмайди.

● ҚОҲИРА. Мисрда дори-дармонлар нархи яна оширилганлиги эълон қилинди. Медицина препаратлари 400 дан ортиқ турининг нархи деярли учдан бир баравар қимматлашди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бир йил ичида дори-дармонлар нархи 200 процент ошди. Бу жараённи Миср фармацевтикасида хусусий капиталнинг, шунингдек аҳолининг саломатлигини сақлашдан эмас, балки мумкин қадар кўпроқ фойда олишдан манфаатдор бўлган чет эл капиталининг эўравонлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблашмоқдалар.

Минг бир касб

ТЎРТ БАҲОДИР

Шаҳримизнинг тўнғич троллейбус депоси ўз тарихига эга. 1945 йилда иш бошлаган бу корхона Тарас Шевченко кўчасига жойлашган бўлиб, шу корхона дарвозасидан дастлабки троллейбус 1947 йил 5 ноябрь куни Ўрта Осиёда биринчи маротаба аҳоли хизматига чиқди.

Ҳа, ўша йиллар кичкинагина депода бор-йўғи олтита троллейбус бўлиб 20 километрли йўлда ҳаракат қиларди. Салоҳиддин ака Темир йўл вокзали—Эскижўва (ҳозир Калинин майдони) орасида «сирли қувватли машина»ни чаққонлик билан бошқарганда четдан орзиқиб келган йўловчилар унга ҳавас билан тикилардилар.

Салоҳиддин ака ўзи меҳнат қилаётган 1-троллейбус депосига катта ўғли Ҳусниддинни 22 йил илгари олиб келди. Депонинг етук электр слесарларидан бири Константин Прохоровга шогирдликка берди. Ўзи эса ўғлининг ишидан доим кўзқулоқ бўлиб турди. Ҳусниддин бу касбга астойдил меҳр қўйди. Машина салонидаги электр чироқларини пухта тузатадиган бўлгач, троллейбуснинг мураккаб қисми ҳисобланган генераторларга ҳам аста-секин қўл ура бошлади.

Куни-кеча бўлган воқеани эслатамиз. Иш соати тугаган эди. 1225-номерли троллейбусни шатакка олиб келишди. Уни зудлик билан йўловчилар хизматига чиқариш зарур. Навбатчи электр-слесарь негадир ишга келмай қолибди. Уйга отланган устоз ва шогирдлар яна жомакорларини кийиб, ишга тушиб кетдилар. Ҳусниддин машинанинг асосий нуқсонини топди. Генератор подшипникларининг шариклари тўкилиб кетган экан. «206», «306» типидаги подшипникларни алмаштириш осон эмас. Ўткир кўзлар-у юксак маҳорат керак унга. Ҳа, Ҳусниддин бу мураккаб «операция»ни укалари Нажмиддин, Ҳасан ва Ҳусанлар билан биргаликда муваффақиятли бажарди.

Ҳа, Нажмиддин, Ҳасан ва Ҳусанлар ҳам ўша меҳнаткаш Салоҳиддин аканинг зурёдлари. Ўрта мактабни битириб улар акалари Ҳусниддинга шогирд бўлганлар. Қаранг, ҳозирги долзарб кунда депо дарвозасидан йўловчилар хизматига ҳар куни 89 та троллейбус чиқмоқда. Бу бақувват машиналар шу йилнинг саккиз ойи мобайнида 28.301.890 та йўловчига юксак маданий хизмат кўрсатди, давлат банкига 1.131.786 сўм ёки планга қўшимча 231 минг сўм топширилди, 3.429 минг километр йўл троллейбусда босилди, машиналарнинг юриш тезлиги соатига 15,25 километрдан 16,16 километрга кўтарилди. Йўловчилар хизматидан техник нуқсонлари сабабли машиналарнинг депога қайтиб келиш ҳоллари ўтган йилга нисбатан 0,5 процент камайди. Чунки тўрт ака-ука Камоловлар, коммунистлар Ш. Умаров, А. Аладатов, В. Тюпколар ва Ш. Одилов, Г. Колочев, З. Низомов каби слесарлар ремонт сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида доим ижодий изланмоқдалар.

Шаҳримиз кўчаларида ЗИУ—9 типидаги уч эшикли комфортабелли троллейбуслар пайдо бўлди. Унинг электр қисмлари ЗИУ—5 троллейбусларникидан фарқланади. Тўғриси, унинг электр схемаси тузилиши мураккаб. Озгина хатога йўл қўйилса, бирорта системаси қуйиши мумкин. Шу сабабдан етук кадрлар талаб қилинади.

Депо директори П. Дмитриев янги машинанинг электр қисмларини ўрганиш бўйича ўқишга дастлаб Ҳусниддинни таклиф этди. Ўқиди, малакаси ошди, олтинчи разрядли электрик бўлиб етишди.

Ўз касбининг устаси Ҳ. Камолов намунали ахлоқ-одоби билан ҳам обрў қозонмоқда. У қаерда бўлмасин кичиклар ҳурматини, катталар иззатини ўрнига қўйиб, ҳамкасблари орасида ибрат бўлмоқда. Коммунистларнинг ҳисобот-сайлов мажлисида унинг депо партбюро секретарлигига бир овоздан сайланиши бежиз эмас. Ҳаракатдаги составларни ремонт қилиш цехи бригада Советининг раиси Ҳусниддиннинг коммунистлар орасида сиёсий ва тарбиявий ишларни ошкоралик билан олиб бориши ишлаб чиқариш планларининг ортиғи билан адо этилишига қўл келди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарори ремонт цехи ишчилари ва маршрут ҳайдовчилари орасида меҳнат беллашувини қизитиб юборди. Троллейбусчилар коллективи машиналарни пишиқ ва пухта ремонт қилиш ҳисобига ҳаракат мунтазамлигини 92 процентга чиқаришга, аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатиб пландан ташқари йил охиригача 800 минг йўловчига хизмат кўрсатиш орзуси билан яшамоқдалар.

Нажмиддин, Ҳасан ва Ҳусанларнинг ҳали шогирди йўқ. Лекин албатта бўлади. Шунда ҳам улар ўзларининг иш кунларини ёдга оладилар ва ўзлари каби моҳир қўли гул ремонтчиларни тарбиялайдилар. Улар меҳнат гаштини сураётган оталари Салоҳиддин ака, акалари Ҳусниддин каби эл ардоғида бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
штатсиз мухбиримиз.

СУРАТДА: ака-ука Камоловлар.

И. Шоиноғомов фотоси.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

ДИДИНГИЗГА ЁҚҚАНИ СИЗНИКИ

Шаҳримизда «Мода» деб аталган янги магазин харидорларга хизмат кўрсата бошлади. Савдо залининг кенглиги, ойнаванд витриналарнинг ўзига хос безатилиши, харидорларга яратилган қулайликлар киши диққатини ўзига тортади.

Магазинда республикамиз енгил саноат корхоналарида тажриба тариқасида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотларнинг намуналари билан савдо қилинади. Бу ерда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Моделлар уйи» томонидан яратилган моделли маҳсулотлар билан танишиш мумкин. Айниқса, аёллар устки трикотаж кийимлари, пальто ва костюмлар харидорлар эътиборини ўзига тортади. Республикамизнинг Чирчиқ, Фарғона, Қўқон, Андижон, Тошкент пойабзал фабрикаларида тайёрланган ёзги ва қишки пойабзаллар бежиримлиги ва пишиқлиги билан кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Шота Руставели кўчасидаги кўркам биноларидан бирида жойлашган «Мода» фирма магазинига ўхшаш савдо шохобчалари дастлаб Москва, Ленинград ва Рига шаҳарларида ишга тушган эди. Шаҳримиздагиси мамлакатимиздаги тўртинчи ана шундай магазин ҳисобланади.

КАЛЕЙДОСКОП

СПОРТЧИ-РОБОТ

«Тосиба» фирмасининг мутахассислари робототехника соҳасидаги изланишларини давом эттириб, стол тенниси ўйновчи роботни яратишди. Робот-теннисчи дурбиндан «кўради» ва электромоторлар ҳаракатга келтирадиган еттита «қўлга» эга. Автомат спортчиларга хос ҳаракатларни бекаму-кўст бажаради. Унинг видеокамераси учаётган шарчани назардан қочирмайди, компьютер эса шарчага жавоб зарбасини бериш нуқтасини аниқлайди ва теннис ракеткаси маҳкамланган механик қўлни ҳаракатга келтиради.

Ҳозирчалик робот-спортчи ижодкорлари унга ғоятда камтарона баҳо бериб, унинг ўйнаш қобилияти уч-тўрт яшар боланинг имкониятларига тенг келади, деб қайд этишмоқда. Айни пайтда улар тез ҳаракат қилувчи роботни яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

ЗАҲАР—ДАРОМАД МАНБАИ

Чаёнлар қанча баҳода сотилади? Туркиянинг Шанлнурф шаҳрининг бозорларида шундай саволни кўп марта эшитиш мумкин. Бу шаҳарнинг аҳолиси азалдан тиббий мақсадларда чаёнларни тутиш билан шуғулланиб келади. Бу йил бир чаённинг баҳоси 250 лирни ташкил этди. Ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, қалтис иш билан шуғулланувчи овчи учун бу қиймат унчалик қиммат эмас. Бироқ, шунга қарамай мазкур районнинг кўплаб камбағаллари учун бу хавфли иш билан машғул бўлиш асосий даромад манбаидир. Чаёнларнинг заҳари Анқара ва Стамбул клиникаларида сотилмоқда.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Буюк Британиядаги Харефилд госпиталида дунёда биринчи марта одам ўпкаларини кўчириб ўтказиш бўйича дастлабки турқум операциялар бажарилди. Ассошиэйшн Пресс агентлигининг хабар беришича, уч бемор операцияси юракни кўчириб ўтказиш бўйича таниқли инглиз мутахассиси профессор Магди Якуб томонидан амалга оширилган. Госпиталнинг реанимация бўлимидаги махсус вентиляцион аппаратлардан халос этилмаган уч мижознинг исм-шарифлари ҳали маълум қилингани йўқ. Фақат шуниси маълумки, беморлар — ўрта яшар эркак, аёл ва ўсмир.

Республика ижодий союзлари қайта қуришда иштирок этиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорларини бажаришга ҳисса қўшиш йўлларини изламоқдалар.

Редакцияда ўтказилган «Амалий мулоқотлар учрашуви»да худди шу хусусда қизиқарли, ошкора сўз юритилди.

Унда:

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси Собир Шералиевич **ҚУРБОНОВ;**

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Анатолий Зуҳурович **ҚОБУЛОВ;**

Ўзбекстон Ёзувчилар союзи правлениеси президиуми раисининг биринчи ўринбосари Евгений Ефимович **БЕРЕЗИКОВ** ва

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари Ҳамидулла Асадуллаевич **САЛОҲИДДИНОВ** қатнашдилар.

ЭНГ ФАОЛ ПОЗИЦИЯДА ТУРИБ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ «АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР УЧРАШУВИ»

С. Ш. ҚУРБОНОВ.

— Бизнинг бугунги учрашувимиз чиндан ҳам ўз вақтида ўтказилаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми КПСС XXVII съезди қарорларида белгиланган вазифаларни ҳал этишда ниҳоятда муҳим роль ўйнайдиган оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берди. Пленум матбуот, телевидение, радио, нашриётлар, уларнинг ходимлари, журналистлар ташкилотлари фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтди, буларнинг сабабларини ва бартараф этиш йўлларини аниқлаб берди.

Ана шу етишмовчиликлар хусусида батафсил тўхталмоқчиман. Уларнинг биринчиси шуки, журналистлар ишида қайта қуриш ниҳоятда суст бораяпти, уларнинг ишлаш услубида, шакллари ва методларида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти. Бу хусусда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида яқинда ўтказилган матбуот конференциясида, шунингдек Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси секретариатининг октябрь ойи охиридаги кенгайтирилган мажлисида ҳам таъкидланди.

Партия томонидан бошланган, ҳозир ҳамма жойда давом этаётган қайта қуриш, ҳеч шубҳасизки, оммавий ахборот воситалари, журналистлар ташкилотлари ишига таъсир кўрсатмай қолмади.

Республикамиз, мамлакатимиз ҳаётидаги туб бурилиш даврида барча идеология ходимлари қатори журналистлар ҳам социал-иқтисодий тараққиётнинг мураккаб муаммоларини ечишда, кўзбўямачилик, дабдабабозлик, шовқин-сурон, бошқа номуносиб ҳолатларга қарши курашда, қайта қуришнинг бориши ошкоравийлигини таъминлашда, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида бевосита қатнашмоқдалар. Оммавий ахборот воситаларининг жанговарлиги ошмоқда, улар ўткир, принципиал, ғоят фойдали чиқишлар қилиб, газетхонларнинг, кенг жамоатчиликнинг эътиборини қозонмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси журналистлар ташкилотлари редакциялар коллективларининг ижодий ҳаётига бирмунча таъсир кўрсатаётганликларини исботлайди. Бундай йўл тутиш Журналистлар союзининг биринчи даражали вазифалари доирасига киради. Биз журналистлар ташкилотларининг союз аъзосига нисбатан талабчанлигини, ижодга, топширилган ишга, юриш-туриш масаласига масъулиятини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Журналистларнинг ижодий ҳисоботларини тез-тез эшитиш ва муҳокама қилиш таомилга кирмоқда. Ташкилотларимиз ўз сафларини журналист деган юксак номни қадрламайдиган, ижодий союз аъзоси шаънига доғ тушираднганлардан дадил халос бўлмоқдалар.

Республикада ўтказилаётган матбуот ходимлари аттестацияси ҳам журналистлар обрў-эътиборини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Аттестациядан ўтказилаётганлар ҳақидаги хулосалар ва тавсиялар журналистлар интизомини кучайтириш, маҳоратини янада такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Ижодий союз матбуот, телевидение, радио ходимларига кундалик ёрдам кўрсатишни, уларнинг камолотга етишларига кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаларидан бири дея ҳисоблайди. Журналистлар ташкилотлари матбуот ходимларини ички ҳамда халқаро аҳволнинг актуал масалаларига доир ахборотлар билан таъминлашда бевосита иштирок этмоқдалар. Бу системага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, область, шаҳар, район партия комитетларида икки йилдан буён ўтказилаётган матбуот конференциялари, республика ва область миқёсидаги турли-туман семинарлар, летучкалар, амалий мулоқот даврлари киради. Ана шу йиғинларда республикадаги деярли барча журналистлар қатнашадилар, шу жараёнда уларнинг дунёқараши, касб маҳоратига ижобий таъсир кўрсатилмоқда.

Журналистлар ташкилотларининг меҳнат коллективлари, газетхонлар, телетомошабинлар, радиотингловчилар билан очиқ-ойдин, салмоқли сўзлашишга эришувдан иборатдир.

А. З. ҚОБУЛОВ.

— Қайта қуришсиз биз ўз ижодий ишимизни тубдан яхшилашимиз мумкин эмас. Бу жуда қийин, оғир борадиган жараён. Чунки илдиз отган, одатланиб қолган нарсалардан кечишнинг ўзи бўлмайди. Йиллар давомида ҳаётимизда, санъатимизда қотиб қолган қатламни сиртимиздан сидириб ташлаш жуда қийин. Мен бир зумда ана шу қатламни итқитиб ташлаган санъаткорларга ишонмайман. Бундай пайтда қайта қуриш ясама қуришдек, тусини ўзгартирувчи буқаламундай таассуот қолдиради. Бизга ҳозирги кунда қайта қуриш ҳаводай зарур. Бу жараёнда эскиликни янгилик деб нағмабозлик қилиш кетмайди. Бу ўринда ҳар бир санъаткор ва гражданин учун ҳалоллик, саминийлик бош масала бўлиб қолмоғи керак. Буларсиз қайта қуриш, айниқса, санъатда умуман мумкин эмас.

Ҳозирги кунда санъат ва меҳнат аҳли иттифоқи сезиларли даражада мустаҳкамланди. Биз бу ишга жон дилимиз билан жавоб бердик. Бу шубҳасиз энг муҳим ва керакли ишдир. Кино усталари томошабинлар билан тез-тез учрашадиган, қишлоқларга борадиган бўлишди. Бироқ ҳар қандай ният ҳам ўзининг ҳақиқий амалий ифодасини топмоғи керак. Токи бу ният-мақсадлар расмиятчиликка айланиб қолмасин. Бизни эски вақтлар дагидек, ҳали ҳам юзаки қабул қилишмоқда. Ахир қишлоққа борган кинорежиссёр, бундай ўйлаб қаралганда ўзи билан бирга фильм ҳам олиб бориши керак. Ўз чиқишларида давомида кинофильмлардан парчалар кўрсатиш билан учрашув савиясини ошириши керак. Бироқ кўп ҳолларда бунинг акси содир бўлмоқда. Артистлар, ёзувчилар, рассом ва кино усталарини ўз ичига олган бригада қишлоққа келди дейлик. Ҳамма гапиради, ҳамма ўз билганини сўзлайди. Чунки бошқа қиладиган иш йўқ. Чунки биз келган ўша жойда бизни кутиб олувчиларнинг ўзи учрашувга мутлақо тайёр эмас. Улар минбардан сўзланадиган нутқларни тинглашга одатланиб қолишган.

Бизга эса чоғроққина бўлса ҳам кинозаллар керак. Улар деярли йўқ ва ҳеч ким экран усталари билан учрашувга кинозалларни тайёрлаб қўйиш ҳақида қайғурмайди. Учрашув дала шийпонида ўтказиладиган бўлса яна ҳам ёмон. Бу ерда кинозал «яратишнинг умуман имкони йўқ».

Кинематографчилар союзи ёки совет кино санъатини пропаганда қилиш бюроси бўлимида кино қўйиш ва уни йиғма экранда намойиш этишга мослаштирилган махсус автобус керак. Ўшандагина томошабинлар билан бўладиган учрашувларимизнинг фойдаси салмоқли бўлади.

Санъат усталарининг қишлоққа бўладиган ҳар бир сафари ҳақиқий санъат ва меҳнат байрамига айланмоғи керак. Байрамга эса фақатгина меҳмонлар эмас, балки мезбонлар ҳам яхши тайёргарлик кўришлари лозим. Бўлмаса бу байрамлар расмиятчиликка айланиб қолиши турган гап. Расмиятчилик эса кони зарар.

Балки бизнинг ўзимиз ҳам айбдормиз. Одамларни бир неча оғиз сўз, шунингдек, бир неча саволларга жавоб беришга ўргатиб қўйиб, жуфмураккаб масалалар ижросини дадил таъминлашига, газетхонлар, телетомошабинлар, радиотингловчилар билан очиқ-ойдин, салмоқли сўзлашишга эришувдан иборатдир.

Журналистлар ижодий союзларнинг вакилларидан тузилган группаларда «Меҳнат ва санъат иттифоқи» шиори остида областларга мунтазам бормоқдалар.

Матбуот кунига бағишланган тадбирларни ўтказишга жиддий ўзгартишлар киритилди. Бизнинг анъанавий байрамимиз фақат тантаналли йиғилиш билангина чекланиб қолмаслиги, оммавий сайилга, газетхонлар, обуначилар, ишчи-қишлоқ мухбирлари сонини ўстиришга хизмат қилиши йўлида журналистлар ташкилотлари Тошкентда ҳам, областларнинг марказларида ҳам анча иш қилдилар.

Бироқ биз эришилган ютуқларга маҳлиё бўлишимиз мумкин эмас. Союзимизнинг кўпгина ташкилотлари, айниқса, жойлардаги ташкилотлар ўз иш услублари ва методларида дуруст ўзгариш қилганлари йўқ. Уларнинг редакциялар коллективлари фаолиятига, матбуот ходимлари касб маҳоратини оширишга таъсири пастлигича қолмоқда. Буни кўпгина область ва район газеталарида қайта қуриш кечириб бўлмайдиган даражада суст бораётгани, уларнинг чиқишлари самараси пастлигида кўриш мумкин.

Ўтказиладиган тадбирлар таъсирчанлиги уларнинг журналистлар маҳоратини оширишга, пировард натижада оммавий ахборот воситалари ишини яхшилашга нақадар кўмаклашаётганига қараб белгиланади. Афсуски, бу масалада, умуман қайта қуриш дейилганда қандайдир ютуқлар ҳақида сўз юритишга ҳамон ҳақли эмасмиз.

Журналистлар ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр бошланди. Маълумки, 1987 йилнинг 30 январида Ўзбекистон Журналистлар союзининг VII съезди, 1987 йилнинг 14—16 мартида СССР журналистлар Союзининг VI съезди бўлади. Ҳозир ана шу анжуманларга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилмоқда. Бошланғич журналистлар ташкилотларида, секция ва комиссияларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунланди. Журналистлар область ташкилотларида конференциялар бошланди. Йиғилишлар ва конференциялар жараёнида одатда союзнинг ички ишлари аҳволи чуқур таҳлил этилади, журналистлар союз фаолиятини ҳаётимиз мослаштирилган масъуд автобус керак. Ўшандагина томошабинлар билан бўладиган учрашувларимизнинг фойдаси салмоқли бўлади.

Санъат усталарининг қишлоққа бўладиган ҳар бир сафари ҳақиқий санъат ва меҳнат байрамига айланмоғи керак. Байрамга эса фақатгина меҳмонлар эмас, балки мезбонлар ҳам яхши тайёргарлик кўришлари лозим. Бўлмаса бу байрамлар расмиятчиликка айланиб қолиши турган гап. Расмиятчилик эса кони зарар.

Балки бизнинг ўзимиз ҳам айбдормиз. Одамларни бир неча оғиз сўз, шунингдек, бир неча саволларга жавоб беришга ўргатиб қўйиб, жуфдан кейинчи? Ундан кейин у токчада узоқ-узоқ ўз навбатини кутиб ётади.

Тайёрлов даври муддатини чўзиб, қаттиқ тайёргарлик кўриш ҳисобига суратга олиш даврини қисқартирса яхшимасми? Бу ўринда энг муҳими — режиссёр суратга олган материални обдан ўйлаш, монтаж даврида ҳар томонлама ўйлаб иш юритиш имкониятига эга бўлмоғи керак. Бунинг учун токчаларда ўз навбатини кутиб ётган картиналарнинг «кутиш муддатини» анча қисқартириш керак. Фақат шундагина сифатни яхшилаш, фильмни суратга олишдан бошлаб унинг экранга чиқишигача бўлган даврни камайтириш мумкин. Кино санъати бугунги кун талабларига жавоб бермоғи учун масалаларнинг улкан доираси фақат шундангина иборат эмас. Бизнинг суҳбатимиз ҳам ҳозир бу мавзуга бағишланмаган.

Қайта қуришни технологиядан бошлаш керак. Қайта қуришни бизнинг ўзимиздан, «санъатлар ичида энг муҳим санъат» кинога нисбатан муносабатимиздан бошлаш керак.

Биз бугунги кунда бизни безовта қилаётган масалалар ҳақида экрандан бемалол гапиришимиз мумкин. Бу жуда яхши, бу — бугунги куннинг тимсоли. Бироқ, бизнинг ўзимиз шунга тайёрмизми, деган савол туғилади. Агар илгари ноқатъий гражданлик позициясини, қобидиятсизликни, касб маҳорати йўқлигини «менга қўйиб беришсин мен буни шундай қилиб суратга олардимки!...» қабилидаги сўзлар қалқонида беркитиб юриш мумкин бўлса, бугунги кунда бунақа қалқон йўқ. Кимнинг ким эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Мен жўрттага негатив ҳолатларга, биз нима билан курашишимиз кераклигига тўхталдим. Ахир оқни оқ қорани қора дейишга, ижодимизга халақит бераётган барча нуқсонларга қарши очиқдан-очиқ гапиришга қачонлардир ўрганмоғимиз керак-ку. Позицияни фақат сўзда эмас, балки амалий ишда ҳам «Алвидо, ғўр ёшлигим» фильми авторлари кўрсатганидек кўрсата билиш ҳам мумкин.

Союзимизда шу нуқтаи-назардан олиб қаралганда биз фаоллик билан ҳаётга тадбиқ этаётган кўпгина планлар бор. Бу, жумладан, ёшлардан энг истеъдодли, ҳақиқий граждан ижодкорларни юзага чиқариш, улар билан мунтазам иш олиб бориш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бу ерда ҳам биз умумий тадбирлардан қочиб, амалий иш билан шуғулланишга ҳаракат қиляпмиз. «Дебют» эксперименталь-ижодий уюшмасини вужудга келтириш соҳасидаги ишлар ҳам шуни кўрсатади. Бу уюшмада ёш киночилар янги мавзулар, кинонинг янги стилистика ва тилини яратиш ишларини амалга оширадилар. Охир-оқибатда эса ёш кинематографчилар асарларидан тузилган тўла метражли альманах вужудга келтирилади. Албатта, бизнинг таниқли режиссёрларимиз ҳам қайта қуриш. ҳозирги куннинг актуал мавзулари тарихни бугунги кун нуқтаи назаридан талқин қилиш сингари масалалардан четда турганлари йўқ. Мен Бутуниттифоқ томошабинига машҳур бўлган бир нечтагина номларни айтиб ўтмоқчиман. Режиссёр Элёр Эшмуҳамедов айни пайтда ўткир социал картина устида иш бошламоқда. Шуҳрат Аббосов, Равиль Ботиров, Дамир Салимов, Зиновий Ройсман сингари режиссёрлар ҳам янги фильмларни яратишга киришдилар ёки киришмоқдалар. «Ўзбектелефильм» студиясининг усталари ва кино ҳужжатчилар ҳам ҳаётга тадбиқ қилинаётган кўплаб ажойиб планларга эга. Қайта қуриш жараёни республика кинематография ҳаётига кенг қулоч ёйиб, улкан одимлар отиб кирмоқда. Бу жараённинг нечоғли чуқур ва сермаҳсул бўлмоғи биринчи навбатда бизнинг ўзимизга боғлиқдир.

Е. Е. БЕРЕЗИКОВ.

— Мен Анатолий Зуҳуровични қувватламоқчиман: Тўғри, биз эскиликни инкор этиш билангина чегаралланмаслигимиз, балки янгиликка тенглашмоғимиз зарур. Аллақачонлардан буён долзарб мавзуларга давр нуқтаи назаридан ёндашиш, уларни бадиий жиҳатдан юксак савияда ёритиш ёзувчиларнинг жамиятимизда рўй бераётган янгиланишга жавоблари бўлади. Ёзувчиларнинг пировард маҳсулоти маълумки китобларидир. Бундай асарлар бизда бор. Одил Ёқубовнинг «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» (1986 йилги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлган), С. Татурнинг «Чекка жой» романлари, Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси СССР давлат мукофотини, Темур Пўлатовнинг Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотини олган асарлари, бошқа ёзувчиларнинг китоблари шулар жумласидандир.

Республика ёзувчилар ташкилоти яқин вақт ичида қандай вазифаларни бажариши керак? Мен шу ўринда бевосита ва билвосита вазифаларни, деган бўлардим. Бевосита масалаларга Ўзбекистон сўз усталарининг асарларини рус тилига ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар тилларига таржима қилишни тушунмоқ керак. Гап шундаки, бу соҳадаги ишларимиз ниҳоятда қониқарсиз. Сўнгги пайтгача ёзувчиларимиздан айримлари эпчиллик қилганларича республикадан ташқарида яшовчи таржимонларни топпишганда, ўз асарларини турли-туман, баъзан эса ғоят нуфузли нашриётларда чиқартиришган. Истеъдодли адиблар эса камтарлик қилиб, навбат келишини кутаверишган. Бутуниттифоқ китобхони эса адабиётимиз савиясига юқорида эслатилган абжирларнинг асарларига қараб баҳо берган. Эндиликда таржимага тақдим қилинадиган асарлар республика Ёзувчилар союзида муҳокамадан ўтказилади. Биз пала-партишликкагина эмас, балки ўртача паст савияли китобларнинг чиқишига ҳам йўл қўймаслигимиз зарур.

Шу йилнинг охирида Тошкентда СССР Ёзувчилар союзи билан ҳамкорликда ўзбек тилидан таржима қилувчиларнинг Бутуниттифоқ семинарини ўтказмоқчимиз. Бу тадбир ўзбек совет адабиётини тарғиб этишда, уни кенг китобхонлар оммасига етказишда муҳим роль ўйнайди. Ахир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов Омон Матжон ва бошқа муаллифларнинг қанчадан-қанча ажойиб асарлари ўз таржимонини кутмоқда. Биз ана шу асарлар кўп миллатли совет адабиётининг мулкига айланиб қолмоғи учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Билвосита масалаларга биз учун аҳамиятсиз бўлмаган муаммолар, масалан нашриётлар билан ўзаро муносабатларимизни киритмоқчиман. Биздаги аҳвол кинодагидан яхши эмас: тематик планлар бир неча йил олдин тузиб қўйилади. Янги, зўр истеъдод билан ёзилган асар пайдо бўлиб қолса, унга ўрин йўқ. Ҳамма жойда аҳвол шу. Афсуски, нашриётлар ўз ишларини сусткашлик билан қайта қурмоқдалар, давр талабини чуқур ҳис этмаяптилар. Ўйлайманки, тематик планларнинг камида 40 процентини янгидан яратиладиган ажойиб асарлар учун эҳтиёт қилиб сақламоқ керак.

Айрим муаллифларимизнинг асарлари классик адиблар ва чет эллик муаллифлар китобларига қўшиб сотилаётганини кўриш нақадар ачинарли! Бундай «замонавий» асарлар магазинларнинг пештахталарида, омборларда тоғдай бўлиб чанг босиб ётибди. Айрим ҳолларда бу китобларнинг муаллифлари республикада таниқли ёзувчилар эканлиги кишини ҳайратга солади. Очиқ-ойдин сўз юритилаётган экан, мен ҳам ошкора айтиб қўя қолай: у ёки бу нашриёт айрим ҳолларда истаган нарсасини — муаллифнинг обрў-эътиборини — бу обрў-эътибор ҳақиқийми ёки ҳақиқий эмасми, бундан қатъий назар— таниш-билишликни, ҳатто қариндош-уруғчиликни назарда тутади-ю аммо китобхонлар манфаатини, адабиётимиз манфаати ва вазифаларини мутлақо эсдан чиқаради. Шу тариқа бўш, хом-хатала асарлар катта тиражларда чиқарилавераді. Бунақа аҳволга бутунлай ва узил-кесил барҳам бериш, адабиётда, хусусан ижодда ошна-оғайнигарчиликка асло йўл қўймаслик зарур. Идеологиямиз, унинг узвий қисми бўлмиш адабиётимиз талаби бу. Бизда эмас, мамлакатимизнинг бошқа жойларида у ёки бу муаллифнинг асари озгина миқдорда синов учун, яъни тажриба тариқасида чиқарилмоқда. Мабодо китоб қизиқарли деб ҳисобланса, ўз ўқувчисини топса, унга кенг йўл очилади, кўплаб тиражда чиқариладі, аксинча ҳол рўй берганда эса уни нашр этиш тўхтатилади.

Бу фикрлар мени ва касбдошларимни тўлқинлантираётган фикрларнинг бир қисми, холос. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми бизга давр талабларини чуқур тушуниш, режалардан амалий ишга тезроқ ўтиш йўлини кўрсатди. «Оқшом» газеталари редакциясига эса бугунгидай керакли, ошкора фикрлашувни ташкил этгани учун ташаккур билдирмоқчиман.

Ҳ. А. САЛОҲИДДИНОВ.

— Мендан олдин сўзга чиққан нотиқларнинг мулоҳазаларига жиддий эътибор бердим ва шундай деб ўйладим: адабиёт ва санъат асарларига нисбатан талаб чиндан ҳам ниҳоятда ошмоқда, бу талаблар одилона ва ҳаққонийдир. Сизларни ишонтираманки, архитектурада ҳам шундай жараён кечмоқда. Куни кеча бизга маъқул бўлган нарса бугун қаноатлантирмай қўйди. Бу хусусда союзимизда яқинда ўтказилган пленумда ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан фикр юритилди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми якунлари муҳокама этилди. Конкрет ва муфассал тадбирлар белгиланди, уларни амалга оширишга киришилди. Очиғини айтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумигача Архитекторлар союзи ва бошқа ижодий союзлар ишлаганлари йўқ, ўз фаолиятларини қайта қуришмаган, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. КПСС XXVII съезди қарорлари асосида турли йўналишлар бўйича жонли иш олиб борилди. Лекин биз етарли активлик кўрсатмаётганлигимизни ўз вақтида жуда тўғри таъкидлашди, бутун идеология фронти, жумладан ижодий ходимлар олдида турган улкан вазифаларни яққол сезиш вазияти вужудга келтирилди. Ҳар биримиз ана шу вазифаларнинг кенг қамровли эканлигини ҳис этган ҳолда шуни афсусланиб айтишим мумкинки, ижодий союзлар кўп ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш имкониятидан маҳрум этилган, улар фақат тавсия қилиш ҳуқуқига эга. Эҳтимол, ижодий союзларнинг бу соҳадаги ҳақ-ҳуқуқлари пайти келиб кенгайтирилар, лекин ҳозир биз мавжуд имкониятлар асосида ишламоқдамиз. Правление президиумининг кўчма мажлисларини ўтказиш анъанага айланди. Яқинда ана шундай мажлис Тошкентдаги бош план илмий тадқиқот институтида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи пленуми муносабати билан республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ёрдамида уюштирилган кўргазма архитекторларнинг фикрига қараганда жуда қизиқарли бўлди. Меъморлар бу кўргазмада у ёки бу қурилиш материаллари хусусида малакали ахборот олдилар, ўз ижодий тафаккурларини кенгайтирдилар.

Тошкентлик меъморлар орасида катта обрў-эътибор қозонганлар, ҳозирги кунда ҳам зўр ижодкорлик билан ишлаётганлар оз эмас. Лекин ҳозирги пайтда союзимиз ёшларга алоҳида эътибор бермоқда. Улар билан ишлаш йўналишлари турли-туман, бу хусусда муфассал тўхталишнинг ҳожати йўқ. Муҳими шундаки, тошкентлик архитекторларнинг ишлари тан олинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, тошкентлик архитектор Романов БАМнинг очилишига бағишланган ёдгорликлардан бири бўйича конкурс ғолиби бўлди. Бу ёдгорлик Байкал-Амур магистралида ўрнатилган. Архитектор Айдиновага СССР Архитекторлар союзининг Олтин медали монолитдан яратилган 16 қаватли экспериментал уй лойиҳаси учун берилди. Бундай уй Тошкентда қад кўтарган.

Мен тошкентлик меъморларнинг ўтмишда ва яқинда қўлган киритган ютуқларига доир мисолларни яна келтиришим мумкин. Лекин бунинг ҳожати йўқ. Чунки булар айрим муваффақиятлар, холос. Лойиҳалаштириш, комплекс тарзда қуришда, умуман архитектурада нуқсонлар ниҳоятда кўп. Бунинг учун жиддий масъулият талаб этиладиган пайт келди.

Тошкентимизнинг гўзаллиги ҳақида суҳбатларда ҳам, радио ва телевидение орқали ҳам, матбуот саҳифаларида, жумладан «Тошкент оқшоми»да ҳам, ҳадеб фикр юритишга ўрганиб қолганмиз. Тўғри, у чиндан ҳам гўзал. Лекин шаҳарнинг лоақал бирорта архитектура ансамбли охиригача такомилига етказилганда у янада кўркам ва чиройли бўларди. Бу хусусда муҳтарам журналистларимиз негадир фикр билдиришмайди. Бинобарин биз мадҳу сано ўқишдан воз кечмоғимиз, аксинча жамоатчиликнинг фикрини қилинмаган ёки ёмон бажарилган ишларга қаратмоғимиз зарур.

Союзимизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган конкрет вазифаларни белгиланганимизда асосий эътибор уларнинг энг муҳимларига қаратилди.

Биринчидан. Шаҳар қурилиши, архитектура ансамбллари лойиҳалари учун очиқ конкурслар уюштириш зарур. Такрорлайманки, бу конкурслар Наманган ёки Қўқонда ўтказилганидек эмас, балки чинакам кўриклар бўлмоғи керак. Бу шаҳарларда уюштирилган конкурсларда архитекторларимиз фаол қатнашдилару, аммо... ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Хўш, бунақа хўжакўрсинликнинг, тадбирбозлик тариқасида ўтказилган кўрикнинг нима кераги бор?

Союзимизда турли тармоқлар бўйича 23 комиссия ишлаб турибди, уларнинг аксарияти самарали фаолият кўрсатмоқда. Ана шу ижодкорларнинг тавсияларига астойдил қулоқ солинса, яхши бўларди. Шунақа тавсиялардан биттасини муҳокамамиз ҳукмига қўймоқчиман. У ҳам бўлса архитектор кадрлар тайёрлаш муаммосидир. Тошкент политехника институти архитектура-қурилиш факультетининг иши бугунги юксак талаблар даражасига жавоб бермаяпти. Биз яқин келажакда ана шу факультет негизида архитектура-қурилиш институти тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бугунги «Амалий мулоқотлар учрашуви»да бу ва бошқа муаммоларни, қайта қуриш билан боғлиқ масалаларни ечиш имкони йўқлигини яхши тушунаман. Лекин биз жамоатчиликнинг фикрини худди ана шуларга қаратдик, фикрлаш учун имкон бердик. Бугунги учрашувимиз шу жиҳатдан фойдалидир.

РЕДАКЦИЯ ШАРҲИ. Тўғри, чиндан ҳам бугунги фикрлашув жараёнида ижодий союзларимиз олдидаги барча муаммоларни дарҳол ечиш мақсадини қўйганимиз йўқ. Лекин улар билан танишиш ниҳоятда қизиқарли ва фойдали бўлганлиги шубҳасиз. Мулоқот иштирокчилари ҳам бундан буёнги фаолиятлари йўлини аниқроқ белгилаб олишга эришган бўлсалар ажаб эмас.

Таассуфки, бундай очиқча фикрлашув ҳақидаги таклифни барча ижодий союзлар ҳам жон-жон деб қабул қилганлари йўқ. Эҳтимол, улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорларини бажариш юзасидан олиб бориладиган ишларни кенг жамотчиликка маълум қилиш шарт эмас, деб ўйлашгандир. Рассомлар, театр арбоблари, бошқа ижодий касб-кор соҳибларини бирлаштирган союзларнинг раҳбарлари шундай деб ўйлашди, шекилли. Бу масалада фақат афсус дейишдан ўзга чора йўқ. Биз эса бундай фикрлашувлар пайти келди, деб ҳисоблаймиз. Редакция ижодий союзлар, маданий-оқартув муассасалари олдида қайта қуришнинг мураккаб жараёнида пайдо бўлган муаммолар муҳокамасига бундан кейин ҳам кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш ниятида.



Хнёбоннинг сарвқомат дарахти.

М. Нуриддинов фотоэтюди.

Физкультура ва спорт

ЁШЛАР ҒАЛАБАГА ИНТИЛИШМОҚДА

Рус шашкаси бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ аёллар турнирида вазият анча равшанлашмоқда. Ҳар бир қатнашчи олтитадан учрашув ўтказди. Бу белгиланган партияларнинг ярми ўйналди, деган гап. Ана шундан келиб чиққан ҳолда дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин.

Энг аввало, турнирда ижодий, муросасиз кураш бораётганлигини таъкидлаш керак. Ҳар бир спортчи фақат ғалабага интилаётганлиги ҳам турнирнинг тиғиз ўтаётганлигидан далолатдир. Иккинчидан, ёшларнинг муваффақияти яққол кўзга ташланмоқда. Улар ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришяпти десак хато қилмаган бўламиз. Жумладан Зинанда Белкина ва Елена Читайкина учтадан ғалабани қўлга киритишди. Олтинчи турда улар рақиблари билан очкони бўлашиб олдилар. З. Белкина З. Сафина билан Е. Читайкина Л. Маркушева билан дурангга рози бўлди. Бу томонлар яхши ўйин кўрсатмади деган маънони билдирмайди. Ҳар икки партия ҳам ижодий ва тактик усулларга бой бўлди. Ёш спортчилар тажрибали рақиблари томонидан қўлланилган яширин «тузоқларни» англаб, уларни четлаб ўтишга эришдилар. Демак, қўлга киритилган ярим очко учун тер тўкишга тўғри келди. Бу икки спортчи 4,5 тадан очко тўплаб пешқадамлик қилишмоқда.

3,5 тадан очко тўплаган И Иванова, З. Сафина ва Е. Ткаченко тўртинчи ва олтинчи ўринда боришмоқда.

Қ. Мирзаева эллик процентли натижага эришди. Республикамизнинг уч вакили турнир жадвалининг юқори қисмида бормоқда.

Турнирда ҳамма нарса равшанлашгани йўқ. Олдинда қизиқарли ва ҳаяжонли учрашувлар турибди.

Р. АДОНЬЕВ.

Чиниққандан дард қочар

Тошкентда «Моржлар» клуби ташкил топганига 30 йилдан ошди. Унинг дастлабки ташкилотчилари А. Добринин, П. Зубаков, Р. Сариков, М. Старшинский, Қ. Болтаев ва А. Гольдрей, С. Гиголовлар эди. «Моржлар» клуби советининг раиси Р. Саркисов 74 ёшда. Унинг жонкуярлиги ва ташаббускорлиги туфайли қишда чўмилиш билан мунтазам шуғулланадиганларнинг сафи тобора кенгайиб борди. Ҳозир 1000 киши клуб машғулотларида қатнашмоқда. Уларнинг орасида ҳам алоҳида намуна кўрсатаётганлари бор. Турли касб эгалари бўлган 300 киши машғулотларда мунтазам иштирок этмоқда. Уларнинг сафида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, турли ёшдаги ва касбдаги кишилар, бир оиланинг бир неча аъзолари бор.

Клуб Совети раиси Р. Саркисовнинг чўмилиш билан шуғулланиб келаётганига 25 йилдан ошди. Лойиҳачи инженер шу давр мобайнида бирон марта ҳам бетоб бўлгани, ўзини ёмон ҳис қилгани йўқ. «Республикада хизмат кўрсатган ирригатор» унвонига сазовор бўлган Р. Саркисов январнинг 20—25 даражали совуғида ҳам қор устида «чиниқишни» унутмайди. Жўрабой Файзиев моржликни бошлаганда 14 ёшда эди. 23 йилдан буён соғлом ва тетик яшаётганлиги учун чўмилиш машқларидан миннатдор.

Мунтазам совуқ сувда чўмилиш организмни чиниқтириш билан бир қаторда касалликни даволашга ҳам ёрдам беради. Одил ака Расулов 6 йил олдин бод хасталигига дучор бўлган эди. Врачларнинг маслаҳати бўйича совуқ сувда чўмилишни бошлади. Кўп ўтмай дарддан форғ бўлди. Ҳозир унга қор устида яланг оёқ бадминтон ўйнаш одат бўлиб қолган. Ўпкаси қаттиқ шамоллаган Мушарраф Мақсудова мунтазам чўмила бошлагач, бутунлай соғайиб кетди.

Улар ўзбошимчалик билан иш тутишгани йўқ. Аксинча, врачлар кўрсатмасига амал қилганликлари туфайли мақсадга эришишди. Ҳар куни чўмилиш организмни чиниқтиради. Бунга эришиш учун машғулотларда узилиш бўлмаслиги лозим. Чиниқишни очиқ ҳавода ҳўл сочиқда артиниш, оёқни совуқ сувда ювиш, совуқ сувда оғизни, томоқни чайқаш, секин-аста совуқ душ қабул қилишга ўтишдан бошлаш лозим. Чўмилишни (бир-икки минутдан) шамол тегмайдиган жойда бошлаш, бадан кўкариб ёки қизариб кетгунча совқотмасликни эсда тутиш керак, кийим ортиқча иссиқ ёки аксинча яланг бўлмаслиги лозим.

Анҳор сувидан баҳра олиб ўз соғлиғини тиклаётган одамлар бу сувнинг соф, мусаффо бўлишини истайдилар. Улар Анҳор бўйи шаҳримизнинг саломатлик зонасига айлантирилса, «моржлар»нинг уйлари кўпайтирилса яхши бўлар эди дейишмоқда.

Х. КАРИМОВ,
«Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти қошидаги қишки чўмилиш ва чиниқиш секциясининг аъзоси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/XI да **Кармен**, 28/XI да **Дунёнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/XI да **Келинлар қўзғолони**, 27/XI да **Ўғрини қароқчи урди**, 28/XI да **Куёв**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/XI да **Хотинимнинг эри**, 27/XI да **Тошболта ошиқ**, 28/XI да **Шайтон ва муридлар**.

КИНО

26 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«КЕЛИН-КУЁВЛАР УЧУН СОЯБОН» — **Москва** (17, 19, 20.40; телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда телефон 46-70-69).

«ЛУИЗИАНА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (18.30, 21.00; телефон 53-65-87), **Восток** (18.30, 21.00).

«ҚУШНИ АЁЛ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (18, 20, 21.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Ватан** (18, 21.00).

«МАРКАЗИЙ КЎЧАДАН ОРКЕСТР БИЛАН» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«ЭГИЗАКЛАР НАЙРАНГИ»— **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ЗИНА-ЗИНУЛЯ» — **Тинчлик** (17, 19, 20.45); телефон 58-36-06).

«ТАВАККАЛЛИК ҲУҚУҚИ»— **«Чайка»** (21.00).

«ВАСИЯТ» — **Искра** (16, 20.00; телефон 39-14-59).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ», — **Лисунов номли** (17, 19, 21.00; телефон 96-34-02).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ЧАҚУВИ» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.40; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ОЦЕОЛА» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«КАТТА САЙР» — **Мир** (17. 20.00).

«ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — **F. Ғулом номли** (17.00).

27 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«КЕЛИН-КУЁВЛАР УЧУН СОЯБОН» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Москва** (11, 13, 15, 17, 19, 20.40; телефон 33-05-01).

«ЛУИЗИАНА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11, 13.30, 16. 18.30, 21.00), **Восток** (13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ҚУШНИ АЁЛ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Ватан** (12, 15, 18. 21.00).

«МАРКАЗИЙ КЎЧАДАН ОРКЕСТР БИЛАН» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«ЭГИЗАКЛАР НАЙРАНГИ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ЗИНА-ЗИНУЛЯ» — **Тинчлик** (13, 15, 17, 19, 20.45); телефон 58-36-06).

«ВАСИЯТ» — **Искра** (12, 14, 16, 20.00; телефон 39-14-59).

«СОФДИЛ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ» — **Лисунов номли** (13, 15, 17, 19, 21.00; телефон 96-34-02).

«ЎЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУМОРИМ» — **Чайка** (21.00). телефон 77-06-20).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ЧАҚУВИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40 телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ОЦЕОЛА» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«КАТТА САЙР» — **Мир** (11, 14, 17, 20.00).

«ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — **F. Ғулом номли** (14, 17.00).

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
30-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1986—1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги йўнувчи-токарь, электр кўприк кранларининг машинисти, қўлда ва машинада қолипловчи. Ўқишга 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. **Ўқиш муддати — 10 ой.**

Стипендия — 72 сўм, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади;

Саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, металл қирқиш ва темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналари бўйича монтажчи-слесарь, тепловознинг механика қисми ремонти бўйича слесарь, тепловознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи-сантехник, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари электромонтёри. Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф маълумотига эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртида музика тўгараклари ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқишни битирганларга диплом берилади, аълочилар эса, олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Билим юртини битириб чиққанлар темир йўл транспорти ходимларига берилган барча имтиёзлар, шу жумладан темир йўл орқали Совет Иттифоқининг исталган ерига бепул бориб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан ва яшаб турган жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат (3х4 см.).

Машғулотлар группалар комплектлашувига қараб бошланади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайлар; 106-автобуснинг «Фоменко кўчаси» бекати).

«ГУЛЧЕҲРА»
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГУЛЧЕҲРА» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА ҚИЗЛАР 6 ОЙДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР.

Курсларга 16 дан 26 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли хотин-қизлар қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ойига 52—63 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 32-уй, Ленин район озиқ-овқат савдоси кадрлар бўлими (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 20-трамвайларнинг «Будённий кўчаси» бекати).

ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИ (телефон 91-10-03).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Тошкент шаҳар Ҳунар-техника таълими бошқармасининг
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ип йигирувчилар, тикувчилар, калава, ип пишитувчилар, тикув ва йигирув машиналари бўйича мастер ёрдамчилари, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, бўёқчилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛ ВА 3 ЙИЛ.

Билим юртига 8-10-синф ҳажмида маълумотли 15 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар, Совет Армияси сафида хизмат муддатини ўтаган ёшлар қабул қилинади.

Ўқишга 3 йиллик муддатга қабул қилинганлар кийимкечак, 3 маҳал овқат ва иш кийими билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади ва корхона қўшимча 40 сўм тўлайди.

Областдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида пулли автомобиль ҳайдаш курслари мавжуд.

Билим юртида спорт базаси ва ҳар хил тўгараклар ишлайди.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, ариза, таржимаи ҳоли.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5-«б» (37а, 45-автобуслар, 26-трамвай; 11, 30-маршрутли таксининг «Қўйлиқ-5«б» бекати).

«ТРАНССИГНАЛСТРОЙ» трестининг
СЦБ БЎЙИЧА 820-ИХТИСОСЛАШГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИ

темир йўл транспорти ва Тошкент метрополитенидаги автоматика ва телемеханика қурилмаларининг электр монтажчиларини тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш даврида 90 сўм стипендия тўланади.

Машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, 3х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат.

АДРЕС: Тошкент шаҳри, 74-алоқа бўлими, Ҳамза райони, Маҳзуна кўчаси, 1-тупик, 14 «а» уй.

Ҳурматли кулги шинавандалари!

ҲАМЗА РАЙОН, ҲАМЗА МАДАНИЯТ УЙИ
30 ноябрь соат 13.00 да
«ЯНГИОБОД» КИНОТЕАТРИДА

Табассум кечасини ўтказади

КЕЧАДА:
Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг актёрлари;
Республика радиосининг «Табассум» журнали ходимлари;
«Муқимий» театри актёрлари ҳамда маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик ансамбли иштирок этадилар.
ПРОГРАММАДА: спектакллардан парчалар, ҳажвия, интермедия, қатра ҳандалар, ашула ва рақслар ўрин олган.

ТАБАССУМ КЕЧАСИГА МАРҲАМАТ, АЗИЗЛАР!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника давлат комитети ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БАЗАСИДАГИ 34-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Маъмурий, савдо ва бошқа объектлар электрон сигналлаштириш системаларини монтаж қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва ремонти бўйича электр монтёр (Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар қабул қилинади), ўзгарувчан ток туташув тармоғининг электр монтёри, инженерлик-техника қурилмалари ва экскаваторларнинг слесарь-электриклари, лифтларнинг электр механиклари — **10-СИНФ БАЗАСИДА. Ўқиш муддати бир йил;**

ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, 4-5 класс-даги станциялар бўйича навбатчи — **8-10 СИНФ БАЗАСИДА. Ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил;**

сигнализация, централизация, блокировка ва алоқа электр монтёри; электр-газ пайвандчи — **8-СИНФ БАЗАСИДА. Ўқиш муддати 3 йил.**

Билим юртининг 3 йил таълим группаларини тамомлаган ўқувчилар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва эгаллаб чиққан тегишли касби бўйича диплом оладилар.

Ўқувчиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, ишлаб чиқариш даврида ишлаб топган маошининг 50 проценти билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар темир йўл транспорти ходимларига берилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Жумладан Совет Иттифоқининг исталган ерига темир йўл транспорти орқали бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Охунбобоев кўчаси, 68-уй (4, 7, 24, 11, 28, 9-трамвайлар; 13, 16-троллейбуслар; 54, 57, 58-автобусларнинг «Киров номли боғ» бекати). Телефон 55-63-20.

Беш ойда касб эгалланади

СИЗ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАКТАБ-МАГАЗИНИДА БЕШ ОЙДА КАСБ ЭГАЛЛАЙСИЗ.

Мактаб-магазинга 10-синф ҳажмида маълумотли, 17-25 ёшдаги хотин-қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. Тошкент шаҳрида пропискаси бўлиши шарт.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 62 сўмгача стипендия тўланади. Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Битирувчиларга кичик сотувчи ихтисоси берилади ва улар мактаб-магазинни битирганликлари ҳақида гувоҳнома оладилар.

Ёш мутахассислар бир йил ишлаб ўқишни Тошкент совет савдоси техникумида давом эттиришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар: паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, 3 дона фотосурат (5х6 см), характеристика, турар жойидан справка.

Маълумотлар олиш учун «Болалар дунёси» — чакана-савдо фирмасининг кадрлар бўлимига мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Октябрь бозори (11, 28, 35, 46-автобусларнинг «Хадра», 7, 8, 11, 15, 16-трамвайларнинг «ГУМ» ва 8, 18-троллейбусларнинг «Хадра» бекатлари). Телефон 42-56-44.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-44).

Қадимий ва кўркам мато

АВРЛИ ГАЗЛАМАЛАР УЗОҚ АСРЛАРДАН БУЁН ЖИЛВАСИ ВА ЖОЗИБАСИ БИЛАН КИШИЛАРГА МАНЗУР БЎЛЯПТИ. ЎЗБЕК УСТАЛАРИНИНГ ҚЎЛИДАН ЧИҚҚАН БУ ЖОЗИБАЛИ МАТО ҲАМИША КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ. УНИ ТЎҚИШ САНЪАТИ АВЛОДДАН-АВЛОДГА ЎТИБ КЕЛМОҚДА.

Аврли шойи турларидан бири — ХОНАТЛАС ҳозирги замон модаси билан мутаносиблашиб бормоқда.

Унинг ўзига хос қиррадор шўх гуллари, бўёқларининг жозибаси мутахассисларни замонавий кийим-кечакларнинг янги-янги намуналарини яратишга илҳомлантирмоқда.

Камалак тусда товланувчи хонатлас (7-9 хил рангда) табиий шойи ипакдан тўқилмоқда. ТАЙЁРЛОВЧИ — Марғилондаги Халқлар дўстлиги орденли «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Наманган аврли шойи газламалар комбинатидир.

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» МАГАЗИНИ ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМ ЛИБОСЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Магазинда эркакларга атаб ҳар хил фасонда ва турли хил матолардан тикилган кўйлаклар, шимлар, костюмлар ва плашчлар, курткалар, пальтолар; хотин-қизлар учун эса чиройли кўйлаклар, юбкалар, блузкалар, халатлар, плашчлар, пальтолар сотувга қўйилган.

Либосларни ўзи тиктиришни манзур кўрадиганлар жун, жун аралашган, табиий шойи, хонатлас ва бошқа ранг-баранг матоларни танлашлари мумкин.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй, ишлаш тартиби — соат 10 дан 20.00 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Душанба — дам олиш куни.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-03-02).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«Главташкентстрой» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ишдан ажралган ҳолда минорали кранларнинг машинистлари курсларига
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Стипендия — ойига 75 сўм.

Ўқишга йигит ва қизлар, шунингдек, Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар қабул қилинадилар.

Қизлар 18 ёшдан бошлаб қабул қилинадилар.

Маълумот 10 синф ҳажмидан кам бўлмаслиги керак.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 4,5 ой.

Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрида пропискадан ўтказиладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 96-алоқа бўлими, F. Ғулом кўчаси, 6-уй. «Главташкентстрой»нинг ўқув-курс комбинати (4, 9, 11-трамвайлар; 13, 29, 34, 70, 77-автобусларнинг «Оқтепа майдони» бекати).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55. 37, 32-53.83; саноат ва қурилиш — 32-57.84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32.55.39; фан ва маданият — 32.53.10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32. 55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32.53.66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 11097. Газета якшанбадан ташқари ҳар куни, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. В. — 2141. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.